

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

38 Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат
хокимияти органларида қонун ҳужжатларининг тур-
қумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш-
лар ва қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2326-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг му-
рожаатлари тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президен-
тининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги
39-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2326, 2012 йил 14 февраль) (Ўзбекистон
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 7-сон, 72-модда) билан
тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат хокимияти

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами — Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 21 январь,
23-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2015 йил 21 январдаги
23-мх-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти
органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган
ҳисобини юритиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«Бошқа органларга қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишда мазкур Қоидалар талабларидан фойдаланиш тавсия этилади.».
2. 3-банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;».
3. 15-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларига ўзгартиш ва қўшимчалар акс эттирилган матн ёпиштирилади (норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган ёхуд алоҳида рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар ва позициялар чиқариб ташланган, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги таҳрирда қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно).».